

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 24 март, № 61 (4724)

Сешанба

## ВАТАН ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

Уни сидқидилдан адо этиш ҳар бир фарзанд учун шарафдир.

Айни кунларда  
муддатли ҳарбий  
хизматга  
чақирилган  
ўғлонларнинг  
ҳарбий қасамд  
қабул қилиш  
маросимлари  
бўлиб ўтмоқда.

Шундай тadbирлардан бири куни кеча пойтахтимиздаги "Жасорат" боғида ташкил қилинди. Унда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

### Ифтихор

Тантанада сўз олганлар таъкидлашганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва осулда ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлиши миллий армияни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаётга татбиқ этилган қатор чора-тадбирлар тўғрисида Куролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятлари юксалиб, бутун армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юқори даражага кўтарилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирув тақомиллаштирилиб, армиямиз сафларига ҳар жиҳатдан етуқ, жисмо-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

нан соғлом, интеллектуал салоҳиятли йигитлар танлов асосида қабул қилинмоқда.

Яқиндагина аскар деган шарафли номга сазовор бўлган йигитларнинг қисқа фурсат ичида илк сабоқларни яхши ўзлаштириганидан, ишонч ва қатъияти яна-

да мустақамланганидан қисм командирлари ҳам мамнун. Эгнига ҳарбий либоси ярашиб турган фарзанднинг ажодларига муносиб ворис бўлишга, шу муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авай-

лашга ваъда бериб, қасамд қабул қилганини кўрган ота-оналарнинг эса севинчдан кўзлари ёшга тўлди.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

Наврўз — бағрикенглик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, саховат айёмидир. Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ушбу байрамга бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

### МЕҲР-ОҚИБАТ, БАҒРИКЕНГЛИК АЙЁМИ

Унда юртимиздаги турли миллий маданият марказлари, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ҳамияти демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувлиқни асраб-авайлаш таъминловига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳолиликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Ватанимизнинг ҳуқуқдари, иқтисодий салоҳияти, ҳаётимизнинг фаровонлиги, барча соҳалардаги улкан ютуқлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азаму шикости, ўз келажагига бўлган мустақам ишончи, юртимизда ҳам сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувлиқни сақлаш йўлидаги фидокорона меҳнати натижасидир.

Миллий маданият марказларининг ранг-баранг муносиб дастурлари тадбирга кўтаринки қайфият бағишлади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Аббарова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ШОДИЁНАСИ

Халқимизнинг миллий қадриятлари, анъанаю удумларини ўзида акс эттирган Наврўзи олам ҳар йили мамлакатимизда эзгу ва хайрли амаллар, меҳр-оқибат ва шодлик айёми сифатида кенг нишонланади. Бу йил ҳам юртдошларимиз айёмни шундай анъаналарга хос ташаббускорлик, яратувчанлик туйғулари билан, кўтаринки ва хуш кайфиятда қарши олдилар. Зеро, Президентимиз Исрол Каримов Наврўз байрамини бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаганидек, Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-маъмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшарлиш ва янгилашни палласи, шарқона янги йилнинг дебчаси сифатида ардоқлаймиз. Байрам муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган Наврўз шодийоналарида иштирок этган ҳар бир юртдошимиз бу сўзларнинг амалий тасдиғига дилдан иқдор бўлганлари, шубҳасиз. Муҳими, айём шукуҳи ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимиз қалбига қувонч олиб кирди.

Қарши шаҳридаги муҳташам амфитеатрда бўлиб ўтган байрам тантанали таъдирда иштирок этган қашқадарёликлар катта шодийоналарни кўриб қолди.

### Байрам шукуҳи

диёнанинг гувоҳи бўлишди. Амфитеатр жойлашган хиббон ва унинг олд йўлақларида ҳунармандлар томонидан яратилган миллий буюмлар, Наврўз таомлари кўргазмаси намойиш этилди. Тантана

иштирокчилари "Юрт фаровон, қучайлик шон, Наврўзим!" деб номланган театрлаштирилган байрам дастурини мароқ билан томоша қилдилар.

Косон тумани марказидаги Нартибаланд маҳалласида Наврўз сайиллари кўшалок шодийонага айланди. Маҳалладаги айём нашидаси фермер Дониёр Йўлдошев хонадонидagi ёр-ёр садоларига улашиб кетди. Байрам куни хонадонга келин туширилди.

Тумандаги Қуйибог қишлоғи аҳли Наврўз сайилида 8 та қозонда миллий таом — ҳадиса пиширишди. Бемор, кексалари бор 60 та хонадонга шу таом тарқатиб чиқилди. 12 та кам таъминланган оилада беморлар байрам арасида йўқланди. Шодийонада кексалар дуога қўл очиб, кириб келган Наврўз элу юртга қут-барака, тинчлик-тотувлик келтиришини ният қилдилар.

(Давоми 4-бетда).

## ҚИРҒИЗИСТОНДА 1-ҚАМБАРОТА ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Қирғизистон Республикаси бош вазири Игорь Чудинов шу йил 16 мартда V Бутунжаҳон сув форумида сўзга чиқиб, "Тўхтағул сув омбори тепасида жойлашадиган Қамбарота ГЭСлари қурилиши ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда бошланган, ўша вақтдаги барча Урта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олинми, экспертизадан ўтказилганини" баён қилди. Бу фикр анчайин жиддий бўлиб, масала моҳияти аниқлик киритишни талаб қилади.

Биринчидан, И.Чудинов шу маънода ҳаққи, Қамбарота ГЭСи лойиҳаси КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори асосида бошланган, унда СССР гидроэнергетикасини 1981-1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга кўра, СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 1984 йил 27 мартда чиқарилган буйруққа биноан, 1 ва 2-Қамбарота ГЭСларини лойиҳалаш ва қуришнинг асослантурувчи материаллари тасдиқланган эди, холос. Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг "барқ уриб гуллаган" пайтида тузилган "коммунизмнинг буюк қурилишлари" туркумига мансуб бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири: "Биз

табиатдан хайр-эхсон кутиб ўтиролмаيمиз, балки уни буйсундириш — бизнинг вазирамиз" деб аталар эди. Мазкур тамойил экология устидан, инсонлар устидан зўравонликка асосланган эди.

Иккинчидан, экспертиза деб аталмиш масалага келсак, бундай қараш ҳақиқий воқеликка асло мос келмайди. У даврда экспертизанинг ўзи йўқ эди, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қарорларини ҳеч ким муҳокама қила олмади. "Партия планлари — халқ планлари" деб аталган мафқуравий тушунча ҳар қандай экспертизадан устун турар ва ақл бовар қилмайдиган бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг "барқ уриб гуллаган" пайтида тузилган "коммунизмнинг буюк қурилишлари" туркумига мансуб бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири: "Биз

ни излашни ифодаловчи сўз эди. Қирғизистон Республикаси вакили ўз нўқтида тилга олган даврда табиатдан фойдаланиш, сейсмология, ирригация ва бошқа турдош соҳалар мутахассислари "партиянинг бош йўли"га номенклатура бюрократияси қонунларига монанд хизмат қилишлари шарт эди. Шу маънода Совет Иттифоқи даврида гўё "барча Урта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олинми, экспертизадан ўтказилди" деб айтишнинг ўзи анчайин гўллик бўлур эди.

Мутахассисларга маълумки, бу лойиҳа ҳам, "Асрнинг қўламдор лойиҳалари" деб ном олган бошқа лойиҳалар ҳам ҳеч қачон экологик экспертизадан ўтказилмаган эди. Чамаси, Орол денгизининг қуриб қолишидек оламшумул ҳалокатга олиб келган Тўхтағул ва Нурек ҳам Марказий Осиё республикалари "манфаатлари"

ни кўзлаб бунёд этилган эди. Қирғизистон "манфаатлари"ни кўзлаб эса, улкан мамлакатнинг 15 дан бир қисмини ташкил этган шу ҳудуд радиоактив чикиндилар ахлатхонасига айлантилди. Ёки Қозғистон "манфаатлари"ни дея Семипалатинск полигони вужудга келтирилиб, бу ҳудуд юз йилларга яшаш ва ҳўжалик фаолияти юритиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилмади?

Совет давридаги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томонга буриб оқишига доир шов-шувли лойиҳаларнинг қисмати нима бўлди? Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан аён ва ҳар бир соғлом фикрли кишига тушунарлики, бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бундай лойиҳалар мустақил, холос экспертизадан ўтказилиши керак ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Биринчидан, ушбу лойиҳалар замонавий лойиҳалаштириш ва лойиҳавий қарорлар қабул қилиш даражасига қанчалик мос келадигани, иккинчидан, уларда турли офатлар, табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бериши мумкин-

лиги қанчалик тўлиқ ҳисобга олинган;

учинчидан, ушбу лойиҳалар улар амалга оширилганидан кейин уйсиз ҳам минтақадда тарангланган экологик ва сув таъминоти мувозанатига қандай даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Уйлайманки, 1-Қамбарота ГЭСидай улкан миқёсдаги иншоотни техник иқтисодий асослашни тайёрлашга киришишдан олдин, муқаррар равишда БМТ шафелигидаги комиссия томонидан халқаро, бетаараф, холос экспертиза ўтказилиши талаб қилинади. 1-Қамбарота ГЭСи сингари йирик гидрориншоотлар лойиҳаси тўғрисида гап кетар экан, унга тааллуқли барча масалаларга ҳолисона баҳо бера оладиган мутлақо бетаараф, обрў-эътиборли мутахассислар ана шундай комиссия таркибига жалб этилиши лозим бўлади.

Ва замондошларимиз ҳамда келгуси авлодлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу масалалардан жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини чалғитишга уринишлар зинҳор ўзини оқламайди.

С. ЖИГАРЕВ,  
«Гидропроект» ОАЖ директори.

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

Сурхондарёда баҳор айёми арафасида 66 та ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга объект ишга туширилди. Уларнинг умумий қиймати 4,45 миллиард сўмни ташкил этади.

## Баҳорнинг қадами қутлуг келди

Жумладан, Бойсун туманида 8 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохбоси иш бошлади. Шу билан бирга давлат бюджети ва хомийлар томонидан ажратилган маблағ эвазига 7,5 километр масофага сув қувури ётқизиблиб, тумандаги Яққарча ва Кўксай қишлоқлари аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди.

Г. ТАНИРОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида очик мулоқот ўтказилди. Унда вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

## Тадбиркорлар билан мулоқот

Мазкур тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ва молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, кредит ва микрокредитларни янги иш ўринлари яратишга йўналтириш, импорт ва экспорт лойиҳаларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мулоқотда соҳага тегишли фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Норин дарёсининг Учқўрғон шаҳридан оқиб ўтадиган қисми соҳилида "Ёшлар хиббони"га асос солинди.

## Норин соҳилида сўлим боғ

Бир неча йиллардан бунён бўш ётган 5 гектарлик ушбу майдонга 860 та арча, 260 тул қаштан, 1200 тул ялон софораси ва 1200 дан зиёд атиргул кўчатлари ўтказилди. Ҳозир бу ерда тўй ва маросимлар уйи, умумий овқатланиш ҳамда маданий-маиший хизмат шохбосчалари ҳашар йўли билан барпо этилмоқда.

Норин соҳилидаги бу боғ келгусида тумандаги энг сўлим масканлардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоийда Ўзбекистон ва Канада ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Қармана-гипс маҳсулотлари" кўшма корхонаси иш бошлади.

## Кўшма корхона иш бошлади

Уни барпо этиш учун жами 616 миң АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Бу ерда йилга тўрт миллион квадрат метр қурилишоб гипсокартон ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Электр таъминоти яхшиланади

2009 йилда республикамиз бўйича



153,9

километрлик электр энергияси узатиш линиялари қурилиб, ишга туширилади.

Шунинг ҳисобига ҳудудларни зарур энергетика ресурслари билан узлуқсиз ва кафолатли таъминлаш юзасидан қўлай шарт-шароитлар яратилади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



**24 соат ичида**  
**ЖАХОН**  
 АҚШ Почта хизмати юзага келган молиявий муаммолар туфайли ходимлари сонини камай-тирмоқчи, дейилди «Reuters» ахборот агентлиги хабарида.

**Почта хизмати ҳам қисқаради**



Унга кўра, 80 та минтақавий офисда фаолият юритаётган ишчиларнинг 15 фоизи ўз вазифасидан озод этилади. Бундан ташқари, яна 150 минг нафар ходимга эса ўз хошиби билан нафақага чиқиш таклифи қилинмоқда. Айтиш жоизки, АҚШ Почта хизмати мамлакатнинг шу тармоқдаги йирик ташкилотларидан ҳисобланиб, унда 800 мингга яқин киши меҳнат қилади.

**Тўқнашув юз берди**  
 Ҳиндистоннинг Кашмир музофотида жангарилар ва мамлакат ҳарбийлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди.

Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, қуролли тўқнашувлар вақтида тўрт нафар ҳарбий ҳалок бўлган, босқинчилардан эса олти нафари йўқ қилинган.

**Олимпиада буюмлари аукционда**

Пекинда ташкил этилган ёзи Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида фойдаланилган турли буюмларнинг сотуви бўлиб ўтди.



«The China Daily» нашрининг ёзишича, аукционга 410 та Хитой миллий барабани («Фу») ва 978 та бамбукдан ясалган хуштак кўйилган. Унда 130 нафар маҳаллий миллионер иштирок этган. Буюмлар сотуvidан етти миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ тушган.

**Давлат тасарруфига ўтказилади**

Венесуэлада мамлакатнинг йириклиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи «Banco de Venezuela» банки давлат тасарруфига ўтказилди.

Бу ҳақда «Euronews» телеканали мамлакат президенти Уго Чавес баёноти асосида маълумот тарқатди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, бу чора мамлакатнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ривожига хизмат қилади.

Венесуэлада яқин келажакда иқтисодиётнинг барча тармоқларини давлат тасарруфига ўтказиш режалаштирилгани айтилмоқда.

**Қўниш вақтидаги қоғиз**

Ахборот агентликлари тарқатган маълумотларга қараганда, Япония пойтахти Токио шаҳридаги «Нарита» халқаро аэропортида «FedEx» (АҚШ) компаниясига тегишли юк самолёти ҳалокатга учради.



Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридан парвозни амалга оширган мазкур ҳаво лайнери аэропортнинг учиш-қўниш йўлига ён қисми билан келиб урилган. Натигада ёнғин юзага келган. Бахтсиз ҳодиса сабабли икки нафар учувчи ҳаётдан кўз юмган. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



# «ЎЗ-ТЕКСАКО» ҚК

## ЖАМОАСИ

### кўп миллатли Ўзбекистон халқини баҳор ва янгилиниш байрами — Наврўзи олам билан самимий табриклайди!


*Барчага соғлиқ, фаровонлик, шоду хуррамлик тилайди.*

*Гўзал юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин!*

*Хонадонингизни меҳр-муҳаббат ва тўқин-сочинлик тарқ этмасин!*



Тел.: 8 (371) 120-67-76, 244-01-23. [www.uztexaco.com](http://www.uztexaco.com)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

### касса, ҳисоблаш ҳамда периферия техникасини таъмирлаш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар етказиб бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар юридик шахслардан (банк белгиланган шаклда), улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси илова қилинган ҳолда қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманомо юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ўшбу эълон чиққан санадан кейин 7 календарь куни мобайнида берилди.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 20 кун ўтгач, Тошкент вақти билан соат 17.00 да тўхтатилади.

Буюртманомо шакли ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, «Ўзмилийбанк» бош маъмурий биноси. Телефон: 234-42-93, Интернет-сайт: [www.nbu.com](http://www.nbu.com)

Мулоқотда бўлувчи шахслар: Суханов Вячеслав Михайлович, Раҳимов Равшан Ҳамидович.

Завод ТЕМЗ изготавляеет и реализует:

## КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

**Теперь и в ЛИЗИНГ**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**АВТОКРАНЫ:**

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**

- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.  
 E-mail: [toemz1@sarkor.uz](mailto:toemz1@sarkor.uz) [www.temz-kran.uz](http://www.temz-kran.uz)

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

### ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиغا эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

### «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиغا эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.  
 Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

КОМПЬЮТЕРЛАР УЧУН ЖИҲОЗЛАР ВА ОФИС ТЕХНИКАЛАРИГА БУТЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТҚАЗАДИ.

Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 30 000 сўм.

Таклифларни тайёрлаш бўйича ҳужжатлар тўплами ва тўловни амалга ошириш учун банк ҳисоб рақамларини куйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 29-уй. Телефонлар: 232-69-58, 239-15-61.

Компьютерлар ва офис техникалари учун бутловчи материалларни етказиб бериш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун давомида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

## TURONIMPEKS SERVIS

### VOlVO корпорациясининг расмий вакили

сизга Volvo русумидаги замонавий юк автомобиллари, қурилиш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртма асосида етказиб беришни таклиф этади.



Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 1-уй.  
 Тел.: +998 71 120-66-20. Факс: +998 71 120-66-30. E-mail: [volvotruckuz@buzton.com](mailto:volvotruckuz@buzton.com)

Товар сертифицирован



Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан



... от карманных компьютеров до серверов...



**3** Технологии, обеспечивающие уверенность года полной гарантии !!! Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

## СЧЕТЧИКИ ГАЗА

### ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток «Шукрат»)

Товар сертифицирован

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ШОДИЁНАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз тонггида Самарқанд шаҳрида халқни сайилга чорловчи карнай-сурнай садолари янгради. Регистон майдони, Алишер Навоий номидаги боғ, "Сўғдиёна" ва "Ёшлик" ором масканлари фойдага тўлди.

Аслида Наврўз қишлоқлардан, унинг узок яйловларидан, боғу роғларидан бошланади. Нуробод туманидаги Жом қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган байрам тадбирида худуддаги 7 та умумтаълим мактаби ўқувчилари ўзлари тайёрлаган куй-қўшиқлар билан иштирок этишди. Аънаёна мувофиқ, жомликлар ташаббуси билан қишлоққа пойтахтдан санъаткорлар таклиф этилиб, уларнинг ижросидаги дилбар



Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

наволар кўнгиллари завқ бағишлади.

**Жиззах** шаҳридаги "Ёшлар шаҳарчаси"да, "Истиклол" болалар истироҳат боғида катта сайил, байрам томошалари бўлиб ўтди. Атракционлар, цирк томошаларидан барча мамнун бўлди.

Байрам кунлари шаҳар худудида қозоқ, қирғиз ўтовлари тикилди. Турли миллат куй-қўшиқлари янгради. Вилоятдаги миллий-маданий марказлар дастурлари оммавий сайилга ўзига хос тўхфа бўлди.

Дарвоқе, 21 март куни Жиззах педагогика институти қошидаги академик-лицей директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров 70 ўшга тўлди. Шу муносабат билан устозни мингминглаб шогирдлари, ҳамкасблари, вилоят ахли табриклашди. Айтиш жоизки, М. Зокиров раҳбарлик қилаётган лицей нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда ушбу илм даргоҳида тахсил олган 5 нафар ўқувчи Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлишди.

Наврўзи олам халқимизнинг азалий удумларига кўра, хайру эҳсон, меҳр-мурувват байрами ҳамдир. Шу маънода вилоятда Наврўз арафасида ва байрам кунларида салкам мингга яқин оилаларга 17 миллион сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатилди.

**Фарғоналиклар** айёми ҳар йили бунёдкорлик соҳасидаги катта ютуқлар билан қаршилаганга одатланганлар. Бу йил ҳам шу аънаёна мувофиқ, вилоят марказида қайта ташмирланиб, замонавий кийёфа

касб этган муҳташам "Бахт уйи" қошоноси фойдаланишга топширилди.

Вилоятнинг Бағдод туманида яшовчилар эса Наврўз муносабати билан ўтказилган 46 нафар боланинг хатна тўйида иштирок этдилар. Тумандаги "Бағдоддон", "Бағдод-файз" корхона-мамнун бўлди.

Байрам кунлари шаҳар худудида қозоқ, қирғиз ўтовлари тикилди. Турли миллат куй-қўшиқлари янгради. Вилоятдаги миллий-маданий марказлар дастурлари оммавий сайилга ўзига хос тўхфа бўлди.



Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

ларни ҳомийлигида ташкил этилган тадбирда тўйболаларга соғвонлар ҳамда банк газанасига маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

**Навоий** шаҳридаги Ҳазрат Алишер Навоий номи билан ата-ладини муаззам боғда байрам иштирокчилари Наврўз сайлида қатнашдилар. Вилоятнинг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам байрам эр шоду хуррамлик билан ўтди.

Байрам кунларида Томди тумани маркази ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудида "Томди савдо" МЧЖ, "Дехқон бозори" МЧЖ ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо ярмаркалари, халқ истеъмоли моллари

кўргазмалари ташкил этилди.

Шу гўзал айёмда туман стадионида саккизта, олис фермаларда ўттизта овул тикилди. Аждодлар удумига асосан бу гўзал овулларида турли ноз-неъматлар дастурхонга қўйилди. Меҳмонлар палов, кўк сомса, тандир кабоб, қозон кабоб сингари тан-

да ҳам кенг қўламли ишлар бажарилиди. Жумладан, ҳозирга қадар 7264 гектар майдон ободонлаштирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди, кўча ҳамда хиёбонлар, зиёратгоҳлар тартибга келтирилди. Мева-вали ва манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди.

Шаҳар ва туман марказлари, олис қишлоқларда ташкил этилган байрам тадбирларида миллий аънаёна ва қадриятларимиз саҳна кўринишлари орқали намойиш қилинди, янграган куй-қўшиқлар, бадий жомаларнинг чиқиши эса давраларга ўзгача фойз бағишлади. Спорт мусобақалари, халқ ўйинлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Наврўз азалдан бағрикенглик айёми бўлиб келган. Шу боис байрам кунлари қалби саховатга тўла кишилар ўзгача меҳр улашиши, мурувват кўрсатиши каби эзгу амалларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Масалан, Янгийўл туманида тадбиркор Гулчехра Маҳмудова раҳбарлик қилаётган хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси элға дастурхон ёзиб, кам таъминланган оилалар фарзандининг бир қанчасига хатна тўйи ўтказиб берди. Болажонларнинг ҳар бирига байрам совғалари улашилди, ҳисоб рақамларига маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

Айни кунларда ҳам пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Наврўз сайиллари давом этмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Спорт • Sport • Спорт



## ТОШКЕНТ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Шу йилнинг июнь ойида пойтахтимизда самбо бўйича ёшлар ўртасида Осие чемпионати ўтказилади.

Тошкентда спортнинг ушбу тури бўйича ниҳоясига етган Ўзбекистон биринчилиги қитъа чемпионати олдидан саралаш вазифасини ўтади. Унда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган 150 нафар спортчи гиламга чиқди. Яқунда Анвар Аҳмедов, Суннат Азимов, Юрий Пантелеевлар ўз вазн тоифасида голиб чиқдилар.

## ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Пойтахтимизда юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Саккиз вазн тоифасида ташкиллаштирилган беллашув якунида Александр Лохов, Шерзод Курбонов, Азиз Муродов, Жаҳонир Мўминов, Артур Бердимуродов, Башир Жўраев (Тошкент шаҳри), Акбар Қўзаев (Самарқанд) ва Фирдавс Ражабов (Бухоро)лар шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар. Фолиблар 15 апрелда пойтахтимизда бошланадиган "Мус-

тақиллик кубоги" халқаро турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик қириш учун Озарбойжон пойтахти Буюкга жўнаб кетди. Бу ерда ҳамюртларимиз Грузия ва Озарбойжон терма жамоалари билан ўқув-йиғин машғуллари ўтказишди.

## «ПАХТАКОР» ЁШЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА

Краснодар (Россия) шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир бошланди.

Унда "Пахтакор" жамоасининг ёш футболчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Умуман, турнирда Россия ва Беларусдан жами 60 та жамоа иштирок этаётир. Мусобақа голиблари 4 апрель куни маълум бўлади.

## НАВБАТДАГИ ЙИГИН АВСТРИЯДА ЎТАДИ

Футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати-га жорий йилнинг 24 сентябрь – 16 октябрь кунлари Миср давлати мезбонлик қилади.

Ушбу нуфузли мусобақа йўлланмасини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 10 – 16 март кунлари пойтахтимизда ўқув-йиғин машғулларини ўтказди. Бош мураббий Аҳмад Убайдуллаев йиғинга мамлакатимизнинг турли жамоаларидан 26 нафар футболчини жалб этди. Улар орасида Сардор Мирзаев, Шукур Жумабоев ("Нефчи"), Арсен Тюленев ("Насаф"),

Азиз Гуломхўжаев ("Бунёдкор") ва Файзулла Қамбаров ("Машъал") сингари футболчилар терма жамоа сафида илк бор синовдан ўтishмоқда. Навбатдаги ўқув-йиғин машғуллари 25 март – 2 апрель кунлари Австрия давлатида ташкиллаштирилди. Бу ерда бир неча ўртоқлик учрашуви ўтказиш режалаштирилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Спорт • Sport • Спорт

## МАРКАЛАР ТАҚДИМОТИ

Маълумки, жорий 2009 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 62-сессиясида Халқаро астрономия йили, деб эълон қилинган эди.

Шу муносабат билан "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти томонидан янги почта маркалари тайёрланди.

Янги маркаларда бо-бокалонимиз Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг пойтахтда қад ростлаган муҳташам ҳайкали ва Са-

### Қадрият

марқанддаги Улуғбек расадхонаси тасвири акс этган.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган почта маркаларининг тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда фалакиётшунослик ривожига улкан

ҳисса қўшган аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилган ушбу маркалар астрономия соҳаси раванқи йўлидаги яна бир хайрли иш эканлиги қайд этилди.

Элбек ДОЛИМОВ.

## ОБ-ҲАВО

(24 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража илик, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 7-12 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 7-12 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик куза-

тилмайди. Кечаси 7-12 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 10-15, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 8-10 даража илик, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосланган ҳолда, 2009 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностика умумларини харид қилиш мақсадида 2009 йил 28 апрель куни

**очик тендер эълон қилади:**

- яшур (А, О, Осие-1 тип);
- кўтириш;
- куйдирги;
- бруцеллёз («REV-1»);
- лептоспироз;
- туялар ўлати;
- корасон;
- кўйлар чечаги;
- браздот;
- туберкулёз;
- отларнинг манқаси;
- парранда ўлати (шт. «Н»);
- итлар цистедози;
- чўмилтириш воситаси;
- лаборатория диагностика умумлари.

Товарлар амалдаги ветеринария қонунидаги талабларига жавоб берган ҳолда тендер шартларида кўрсатилган муддатларга етказиб олиниши талаб этилади.

Таклифлар 2009 йил 27 апрель куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 200 000 сўм.

Тўлов шартлари — пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарход кўчаси, 21-«А» уй.  
Мурожаат учун телефонлар: 276-49-92, 276-90-85.

## ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ

# ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суяк ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди

Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».  
Т/ф.: 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф.: 5-59-87, 416-90-06.  
E-mail: chts.uz@mail.ru

## «МЕХРЛИ САВДО» ШЎЪБА ҚОРХОНАСИ

2009 йилнинг II чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

**САРИЁҒ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нивёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.

Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 26 март куни соат 17.00 гача.

Махсус сертификатланган

## UZBAPREL PRODUCTION

Совместное предприятие

# ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ

Европа стандарти

СП "EKONORDRAGMET"

Тошкент ш., Афросиёб шохкўчаси, 12. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzrbp@mail.ru  
Тел./факс: (99871) 252-56-01, 252-74-14, 256-41-41

Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси жамоаси ассоциация раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳматулла Нигматовга рафиқаси

**Эльнора НИГМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Наим ҒОЙИБОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа факультети Педагогика психология ва педагогика кафедраси доценти Мирзабек Бобоқонова волидан муҳтарамаси

**НАФИСА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. САЙТ: WWW.POST.UZ. ФАКС: 236-09-21. E-MAIL: OAO@POST.UZ

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамид Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.15

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оршов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — З. Ашурова.  
Мусахҳиҳ — Х. Топхўжаев.